

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Кузиев Шавкат Абдумуратович

Гулистон давлат университети

Факултетлараро чет тили кафедраси ўқитувчиси

Кузиева Мухлиса Абдумалик қизи

Гулистон давлат университети

Филология факултети талабаси

Аннотация: Ушбу мақола таълим тизимида мавжуд имкониятлардан янгиланган воситалар ёрдамида фойдаланиш ва таълим самарадорлиги ҳамда сифатида юқори натижалар қўлга киритиш тўғрисида. Мақола шунингдек, таълимни ахборотлаштириш, педагогнинг мазкур жараёндаги ўрни, инновациялар ва уларнинг таълим тизимида таъсири, унинг ёрдамида, таълим олувчиларнинг ошириш борасидаги фикрларни ўз ичига олган.

Калит сўз: таълим, тизим, инновация, замонавий технология, педпго, ўқув жараёни, лойихалаштириш, восита.

Кенг қўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намоён қилмоқда. Ҳозирги вақтда «инновация» тушунчаси жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб, инновацион янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тўзилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир [1].

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир [2].

Ўқув жараёнларини лойихалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани аниқ белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни реал мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни самарали амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика

ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади [1].

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий бўғинга айланади. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан, интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат, яъни у педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади [1].

Таълимни ахборотлаштириш – таълим-тарбиянинг педагогик-психологик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва уларни яратиш амалиёти ва методологияси билан таълим соҳасини таъминлаш жараёнидир. Бу жараён биринчидан, илмий-педагогик маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмининг такомиллаштиришни, иккинчидан, замонавий ахборот жамиятида шахсни ривожлантириш мақсадларида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари ва методлари, мазмунини танлаш ва методологиясини такомиллаштиришни, учинчидан, ўқувчини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, унда мустақил билим олиш малакасини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг методик тизимини яратишни, тўртинчидан, ўқувчилар билимининг назорат қилиш ва баҳолашнинг диагностик методлари ва компьютер тестлардан фойдаланишни ва уларни яратишни тезлаштиради. Таълимни ахборотлаштириш жараёни ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитишнинг нафақат ташкилий шакллари ва методлари ўзгаришининг, балки ўқитишнинг янги методларининг шаклланишига олиб келади [3].

Фанлар соҳасининг ахборотлашуви, ўқув фаолиятининг такомиллашуви, замонавий ахборот технологиялари асосида билиш жараёнининг интеграциялашуви фанлар соҳасининг кенгайтилишига ва чуқурлашувига, уларнинг интеграциясига сабабчи бўлади. Бу эса ўз навбатида ўқув материаллари мазмунини танлаш критерийини

Ўзгаришини талаб этади. Шундай қилиб, таълимни ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши ўқув материалларининг мазмуни ва ҳажмини ўзгаришига, ўқув предметлари (курслари) дастурларининг қайта тузилишига, алоҳида мавзулар ёки предметларнинг интеграциялашувига сабабчи бўлади. Бу эса ўқув фанларининг мазмуни ва тузилмасини ўзгаришига, яъни таълимнинг мазмуни ва тузилмасини ўзгаришига олиб келади.

Бу жараёнга параллел равишда ўқувчилар билим савияси муаммосига компьютер технологиялари асосидаги инновацион ёндашувни жорий этиш кузатилади. Таълим мазмуни ва тузилмасининг, назорат ва ўқитишнинг ташкилий шакллари, методлари ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши ўқитишнинг хусусий методикасини ўзгартиради. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини имкониятларидан фойдаланиш ва бу орқали ўқув фаолиятининг кенгайиши ўқитиш воситалари, дарсликларга бўлган дидактик талабларнинг сифат ўзгаришига олиб келади. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг диагностик методлари ва компьютер тестлардан фойдаланишни ва уларни яратишни тезлаштиради [2].

Таълимни ахборотлаштириш жараёни ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитишнинг нафақат ташкилий шакллари ва методлари ўзгаришини, балки ўқитишнинг янги методларини шаклланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар;

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий - назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007.
2. Ш. Кузиев, С. Рахмонова - Дистанционное обучение и технология - будущее национального образования. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, №1/2018.
3. Кузиев Ш.А. Социолингвистическая компетенция: из филологии в педагогику гулистон давлат университети ахборотномаси 2021. 3 том.
4. Kuziev Sh. A. The ways of developing discourse competence in non-linguistic faculties. The academy of Ma'mun in Kharezm, 2020.